

## Японияда мусулмон сайёҳлар учун намозхоналар кўпаймоқда



13:50 / 28.02.2019 2209

Японияда сўнгги йилларда мусулмон сайёҳларни кўпроқ жалб этиш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мусулмон сайёҳларнинг ортаётганидан мамнун бўлаётган ҳукумат улар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқда, деб ёзади Japan Today нашри.

Хусусан, мусулмонлар учун барча шароитларни ўз ичига олган ибодат маконлари янада кўпайтирилмоқда. Маълум бўлишича, ҳозирда Япония зиёратгоҳларида жами 170 та намозхона мавжуд. Бироқ Шарқий Осиёдан келаётган мусулмон сайёҳларнинг сонига қараб бу рақам яна ошишда давом этмоқда, деб ёзади нашр.

Япония Миллий туризм қўмитасининг хабар беришича, 2017 йилда биргина Малайзия ва Индонезиядан келган муслмон сайёҳлар сони 700 000 кишини ташкил этган.

***Islom.uz***